

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**499** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166*

*(2011 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 313-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ва Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2011 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 21 декабрь,  
304-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги  
304-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Олий малака комиссияси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда) 31-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг (бундан кейинги ўринларда Олий малака комиссияси деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

**I. Умумий қоидалар**

1. Олий малака комиссияси нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг (бундан кейинги ўринларда малака комиссиялари деб юритилади) қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

2. Олий малака комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказишда ва нотариус қасамёдини қабул қилишда «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) ва унда тартибга солинмаган қисми бўйича мазкур Низом қоидалари қўлланилади.

3. Давлат органлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг Олий малака комиссиясининг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

4. Олий малака комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади. Олий малака комиссиясининг қабул қилган қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда адлия бошқармалари деб юритилади) ҳамда малака комиссиялари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Олий малака комиссиясининг моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

## II. Олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш

6. Олий малака комиссияси ўн бир кишидан иборат таркибда уч йил муддатга тузилади.

Олий малака комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакиллари киради. Олий малака комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Олий малака комиссияси раис раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосарларидан бири Олий малака комиссияси раиси ҳисобланади. Олий малака комиссияси раиси ўринбосари комиссия таркибидан тайинланади.

8. Бир шахс бир вақтнинг ўзида Олий малака комиссияси ва малака комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9. Олий малака комиссиясида ишлар комиссиянинг ишчи органи ва масъул котиби томонидан юритилади.

Олий малака комиссиясининг ишчи органи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (бундан кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) ҳисобланади.

10. Олий малака комиссияси йиғилиши заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта ўтказилади.

Олий малака комиссиясининг раиси мажлис ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлиснинг санаси, вақти ва жойини белгилайди.

Олий малака комиссиясининг мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Олий малака комиссияси аъзолари нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда талабгор сифатида иштирок этган вақтларида комиссия мажлисла-рида қатнашмайди.

11. Олий малака комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда қатнашган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

12. Олий малака комиссиясининг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Олий малака комиссиясининг қароридан норози бўлган комиссия аъзоси комиссия мажлисининг баённомасига ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзма шаклда баён этишга ҳақли.

13. Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларга қараб, баённомада:

мажлис ўтказиладиган сана ва жой, унинг бошланиш ва якунланиш вақти;

мажлисда қатнашган Олий малака комиссияси аъзоларининг рўйхати;

Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартиби;

апелляцияда баён этилган важлар, Олий малака комиссияси аъзоларининг, манфаатдор шахсларнинг сўзга чиқишлари ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асосий мазмуни;

Олий малака комиссияси аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар;

малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари, жумладан, стажировкадан ўтган шахсларнинг (талабгорларнинг) ҳисоботларини қабул қилиш ва малака имтиҳонларини ўтказишда малака комиссиялари томонидан йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

мажлис кун тартибига киритилган ҳар бир масалани кўриб чиқиш натижалари бўйича овоз бериш якунлари ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар;

Олий малака комиссияси қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби;

қарор қабул қилиш жараёнига тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

### **III. Олий малака комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Олий малака комиссияси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотлардан зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олиш;

апелляция ҳамда малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш юзасидан тегишли адлия бошқармаларидан зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор чиқариш;

мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда, стажировка ўтаган шахсдан (талабгордан) малака имтиҳонини қабул қилиш;

апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида апелляцияда кўрсатилмаган, лекин тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни ўрганиб чиқиш;

малака комиссиясининг фаолиятини тугатиш ва қайта тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига таклифлар киритиш;

малака комиссиялари томонидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорлари бўйича айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига таклифлар киритиш;

малака комиссияларига уларнинг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича тавсиялар бериш;

малака комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига таклифлар киритиш.

15. Олий малака комиссияси:

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга;

қонун ҳужжатларига қатъий риоя этишга мажбурдир.

16. Олий малака комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

#### **IV. Малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш**

17. Малака комиссиясининг малака имтиҳони натижалари бўйича қарори устидан апелляция стажировкадан ўтган шахслар (талабгорлар) ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан малака комиссиясининг қарори уларга топширилган кундан эътиборан Олий малака комиссиясига бир ойлик муддат ичида берилади.

Адлия бошқармалари раҳбарлари малака комиссияларининг малака имтиҳони натижалари бўйича қарорлари қонунчилик талаблари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги ҳақида етарли асосларга эга бўлган ҳолларда, Олий малака комиссиясига апелляция киритиши мумкин.

18. Апелляция Олий малака комиссиясига манфаатдор шахс томонидан бевосита ёки адлия бошқармаси орқали юборилади.

Апелляция адлия бошқармаси орқали берилганда, адлия бошқармаси уч кунлик муддат ичида апелляцияни у билан боғлиқ барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда Олий малака комиссиясига юборади.

19. Олий малака комиссиясига келиб тушган апелляция ишчи орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонасидан рўйхатдан ўтказилади. Апелляция берган манфаатдор шахсга апелляцияни кўриб чиқиш куни ҳақида комиссия мажлиси ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин хабар қилинади.

Апелляциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқиши лозим.

20. Олий малака комиссияси тегишли малака комиссиясининг ҳолислиги ва беғаразлигига асосли шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда стажировкадан ўтган шахслардан (талабгорлардан) малака имтиҳонини қабул қилади. Малака имтиҳонини қабул қилиш «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-модда) мувофиқ амалга оширилади.

21. Олий малака комиссияси қабул қилган қарори ҳақида комиссия мажлиси якунида эълон қилинади.

22. Олий малака комиссияси қабул қилган қароридан кўчирма тегишли адлия бошқармасига ҳамда манфаатдор шахсга юборилади.

23. Олий малака комиссияси қабул қилган қарорнинг ижроси тўғрисида ушбу қарор тегишли адлия бошқармасига келиб тушгандан бошлаб уч кун муддат ичида адлия бошқармаси томонидан Олий малака комиссияси ва манфаатдор шахс ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

#### **V. Малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

24. Ишчи орган Олий малака комиссиясининг топшириғига ёки ўзининг ташаббусига кўра малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида уларнинг фаолиятини ўрганади.

Малака комиссияларининг фаолиятини ўрганиш якунлари бўйича ишчи орган томонидан малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари, шунингдек, тавсияларни ўз ичига олган маълумотномалар тайёрланади.

25. Малака комиссияларининг фаолиятига доир маълумотномалар Олий малака комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

26. Олий малака комиссиясининг қарорига биноан маълумотномалар раҳбарлик ва ижро қилиш учун тегишли адлия бошқармалари ва малака комиссияларига юборилади.

#### **VI. Якуний қоидалар**

27. Олий малака комиссияси аъзолари малака комиссиясининг мажлисларида қатнашиши мумкин.

28. Олий малака комиссиясига апелляция берган манфаатдор шахс ўз апелляциясини ёзма мурожаати асосида қайтариб олишга ҳақли.

29. Олий малака комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

30. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.